

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

The Light of Islam

ISLOM ZIYOSI ضياء الإسلام



4-сон 2023 йил

Tahrir hay'ati:

G'afurov U. t.f.f.d. (PhD)

(bosh muharrir)

Maxsudov D. t.f.d., dot.

(bosh muharrir o'rinbosari)

Islomov Z. fil.f.d., prof.

Hasanov A. t.f.d., prof.

Muhamedov N. t.f.d., dot.

(mas'ul kotib, muharrir)

Gafurova I. t.f.f.d. (PhD)

(nashr uchun mas'ul, muharrir)

Sonmas Kutlu. DSc on Islamic Theology. Ankara State University, Professor of Theology Faculty. Turkey academic2011@gmail.com

Peri Benedek. DSc on Oriental Studies. Director of the Faculty of Humanities of the Institute of Oriental Studies under the Eötvös Loránd University of Hungary. Hungary torok@btk.elte.hu

Ashirbek Muminov. Doctor of Historical Sciences, Professor. IRCICA, Kazakhstan Muminov9703@yahoo.com

Rafik Muhametshin. Doctor of Political Sciences, Professor. Rector of Russian Islamic Institute, Russia rafikm@mail.ru

Daniyar Mavliyarovich Abdrakhmanov. PhD of Historical Sciences. Rector of the Bulgarian Academy daniyar.abdrakhmanov.m@gmail.com

Max Scherberger. PhD in Islamic Studies. Germany maxscherberger@yahoo.de

Amir Navruzov. Candidate of historical sciences, Dagestan, leading researcher of the Institute of History, Archeology and Ethnography of the Daghestan Federal Research Center of the Russian Academy of Sciences, anavruzov@rambler.ru



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 27.11.2023 йилдаги 03-07/8978-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Sh.A.Yovqochev, G.Sh.Kadirova. Movarounnahr ulamolarining islom fanini rivojlanishidagi oʻrni	4
N.Nasrullaev. Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-Шариъа ал-Бухорийнинг ҳанафий фақиҳи сифатидаги фаолияти	19
M.A.Usmanov. Эҳсон тушунчаси баёни	28

ТИЛШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

M.Nasirova. Arab tilidagi fe'l mayllari tasnifi	36
N.Mullasodiqova, K.Abdiramasheva. Балоғат илмида фикр ифодалаш йўллари	42
F.Nizamova. Malikushshuaro Bahorning hayoti va ijodi.....	49

ТАРИХ

M.N.Mirzaeva. Салжукийлар даврида Бағдод “Низомия” мадрасасининг ташкил топиш тарихи	58
---	----

ДИНШУНОСЛИК

A.Nosirova. Диний ксенофобияни олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари	68
A.U.Qurbonova. Особенности иудаизма и ислама в вопросе кашрут и халяль в пище	78

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

N.T.Shomirzayev. Мутаассиб шахсларни соғлом ижтимоий муҳитга қайтаришнинг жаҳон тажрибаси.....	89
---	----

МУТААССИБ ШАХСЛАРНИ СОҒЛОМ ИЖТИМОЙ МУҲИТГА ҚАЙТАРИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

МИРОВОЙ ОПЫТ ПО РЕИНТЕГРАЦИИ РАДИКАЛЬНО НАСТРОЕННЫХ ЛИЦ В ЗДОРОВУЮ СОЦИАЛЬНУЮ СРЕДУ

WORLD EXPERIENCE OF REINTEGRATING RADICALIZED INDIVIDUALS INTO A HEALTHY SOCIAL ENVIRONMENT

Nodir T. SHOMIRZAYEV,

Committee on Religious Affairs

*General specialist of the Department information
and analysis and propaganda activities*

12, Navoi str., 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: nshomirzaev074@mail.ru

DOI: 10.47980/PAU/2023/4/10

Аннотация. Бугунги кунда турли бузгунчи оқимлар сафига қўшилиб қолган шахсларни жамиятга қайта мослаштириши масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё бўйлаб кузатилаётган бундай тенденция кўплаб мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ушбу мақолада дин ниқоби остидаги айрим гуруҳларнинг сафига кириб қолган шахсларни жамиятга қайта мослаштириши (реабилитация қилиши)нинг аҳамияти ва бу борада психолог, исломиюнос, диниюнос мутахассислар олдида қўйиладиган муҳим вазифалар ҳақида баҳс юритилган. Шунингдек, мутахассисларнинг мазкур тоифадаги шахсларни тарбиялашда эътибор бериши керак бўлган масалалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Бундан ташқари мақолада радикал шахсларни реабилитация қилиши жараёни дунё мамлакатлари томонидан турли ёндашувлар асосида иш олиб борилаётгани ҳамда уларни умумий шаклда икки гуруҳга: “Асосий реабилитация дастурлари” ва “Кенгайтирилган реабилитация дастурлари”га ажратган ҳолда таснифланиши ёритилган.

Шунингдек, “Асосий реабилитация дастурлари”нинг компонентлари бўлган диний, ижтимоий ва психологик реабилитацион ёндашувлар ҳамда мазкур жараёнда мафкуравий ва қонли синовларни бошидан кечирган шахс учун мўлжалланган программа, ўқув, касбий кўникма ва амалий чора-тадбирлар қандай тартибда ишлаб чиқирилиши дунёнинг илгор давлатлари мисолида тушултирилади.

Шу билан бирга, “Кенгайтирилган реабилитация дастурлари” таркибига кирувчи, “Оила”, “Таълим-тарбия”, “Қўллаб-қувватлаш”, “Ижодий арт-терапия” “Онлайн жалб қилиш” методларининг мазмун-моҳияти, қўлланиш тартиби ва баҳолаш мезонлари борасида сўз юритилади.

Мақолада радикаллашувни олдини олишга қаратилган ҳамда экстремистик гоялар таъсирига тушганларни реабилитация қилиш дастурларининг оддий ва универсал шакли мавжуд эмаслиги, ижтимоийлаштирув услубларини тўғридан-тўғри трансформация қилиб бўлмаслиги, дастурларни амалиётга татбиқ этишида миллий маданият меъёрлари ва қадриятларнинг инобатга олинishi сабаблари тушултирилади.

Ушбу мақолада радикал шахсларнинг реабилитацияси узлуксиз ва давомли механизмлар бирлашмасидан ташкил топиши, муваффақиятли реабилитация дастури учун унга керакли бўлган шарт-шароитлар талаб қилиниши, шунингдек, соғломлаштириши дастурлари диний, психологик, ижтимоий ва оилавий реабилитация амалиётини қўллаган ҳолда амалга оширилиши жаҳон тажрибаси асосида тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: диний реабилитация, “Ижодий арт-терапия”, “Онлайн жалб қилиш”, “Асосий реабилитация дастурлари”, “Кенгайтирилган реабилитация дастурлари”, “Ақлли” ёндашув, психологик терапия, дерадикализация.

Аннотация. На сегодняшний день все более актуальным становится вопрос реинтеграции в общество лиц, вступивших в ряды различных деструктивных религиозных течений, при этом указанная негативная тенденция наблюдается во всем мире, оказывая существенное влияние на многие страны.

Данная статья раскрывает актуальные вопросы, касающиеся проблематики реабилитации и реинтеграции в общество лиц, вовлеченных в ряды отдельных псевдорелигиозных групп, в том числе в контексте психологической, исламоведческой и религиоведческой составляющей данной проблемы.

В то же время, особое внимание в работе уделяется ряду проблемных аспектов, на которые необходимо обратить внимание при воспитании людей, попавших под влияние деструктивных течений и их идей.

Помимо этого, важным элементом рассматриваемой статьи является описание научно-практических методик, применяемых в мировом сообществе при реабилитации радикально настроенных лиц, и в частности, специальных методических подходов, классифицируемых в общей форме по двум группам: «Основные программы реабилитации» и «Программы расширенной реабилитации».

Кроме того, в статье, на примере ведущих зарубежных стран мира раскрывается порядок, исходя из которого разрабатываются религиозные, социальные и психологические реабилитационные подходы, являющиеся, в свою очередь, важнейшими компонентами «основных реабилитационных программ», а также специальных курсов по обучению, повышению профессиональных навыков и разработке иных специальных практических мер, предназначенных для человека, прошедшего идеологическую и практическую подготовку.

При этом речь идет о содержании, порядке применения и критериях оценки таких методов, как «семья», «образование-воспитание», «поддержка», «творческая арт-терапия», «онлайн-вовлечение», входящих в общий курс «Программы расширенной реабилитации».

В данной научной работе раскрываются причины, по которым не существует простой и универсальной формы программ реабилитации, направленных на предотвращение радикализации, а также тех, кто находится под влиянием экстремистских идей. При этом указывается на отсутствие единого универсального стиля социализации, которые не могут быть преобразованы напрямую, а нормы и ценности национальной культуры должны учитываться при внедрении учебных программ в практику.

В статье на основе мирового опыта анализируется аспект, указывающий на то, что реабилитация радикально настроенных лиц состоит из сочетания механизмов и условий, необходимых для успешной реализации программы реабилитации, а также других оздоровительных программ с использованием специальных практик по религиозной, психологической, социальной и семейной реабилитации.

Ключевые слова: религиозная реабилитация, «творческая арт-терапия», «онлайн-взаимодействие», «Базовые программы реабилитации», «Продвинутые программы реабилитации», «умный» подход, психологическая терапия, дерадикализация.

Abstract. Today, the issue of reintegration into society of individuals who have joined the ranks of various destructive currents is gaining importance. This tendency, which is observed around the world is affecting many countries.

This article discusses the pressing issues of rehabilitation and reintegration into society of people involved in the ranks of some pseudo-religious groups, and the important tasks that psychologists, Islamic scholars, and religious experts have to face in this regard. At the same time, some aspects are described that need to be paid attention to when educating people who are influenced by destructive ideas.

In addition, the article highlights that the process of rehabilitation of radicalized individuals is carried out by the countries of the world based on different approaches and that they are generally classified into two groups: "Basic rehabilitation programs" and "Advanced rehabilitation programs".

Also, religious, social and psychological rehabilitation approaches, which are components of the "basic rehabilitation programs", as well as the syllabus, training program, professional skills and practical measures designed for a person who has undergone ideological and bloody tests in this process are explained on the example of the advanced countries of the world.

At the same time, regarding the content, procedure for application and evaluation criteria of such methods as "Family", "Education-upbringing", "Support", "Creative art therapy", "Online involvement", included in the general course of "Advanced rehabilitation programs".

The article explains the reasons for the lack of a simple and universal form of programs aimed at preventing radicalization and the rehabilitation of those affected by extremist ideas, the inability to directly transform socialization methods, and the consideration of national cultural norms and values in the implementation of programs.

In this article, the fact that the rehabilitation of radical persons is formed by a combination of continuous mechanisms, the necessary conditions for a successful rehabilitation program, as well as the implementation of health programs using the practice

of religious, psychological, social and family rehabilitation are researched based on the world experience.

Key words: religious rehabilitation, "Creative art therapy", "Online engagement", "Basic rehabilitation programs", "Advanced rehabilitation programs", "Smart" approach, psychological therapy, deradicalization.

КИРИШ

Ҳозирги кунда терроризмнинг мудҳиш кифёси аввалгиларидан урта муҳим хусусияти билан фарқланади. Биринчидан, аввал террорчилик ҳолатлари маҳаллий ёки миллий кўринишда содир бўлган бўлса, бутунги кунга келиб бу глобал аҳамият касб этди. Ҳеч бир мамлакат бу таҳдиддан ўзини тўлиқ ҳимояланган деб айта олмайди. Иккинчидан, террорчилик ҳаракатлари аввалгидан ваҳший, тажовузкор ва шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Кўпуровчиликни қасрда, қачон ва ким томонидан амалга оширилишини олдиндан айтиб бўлмайди. Унинг олдини олиш ва қаршилик кўрсатиш узок муддат талаб этади. Учинчидан, аввал терроризмга сабаб бўлган омиллар миллатчилик, сепаратизм, ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик туфайли вужудга келган, ҳозирги кунда эса кўплаб ёшлар мафкуравий манипуляция қурбонига айланмоқда.

УСЛУБЛАР

Бутунги кунда терроризм мафкуриси диний омиллар билан қориштириб ташланди. Бу ерда дин зўравонлик ҳатти-ҳаракатларини оқлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, глобаллашув даврида терроризмни ҳарбий усул ва воситалар билан енгиб бўлмайди, чунки бу радикал фикрловчилар орасида нафратланиш ҳиссини кучайтиради.

Дунёнинг санокли давлатларида радикаллашувга қарши реабилитация дастурлари амалиётга тақдим этилган. Сабаби айрим мамлакатлар терроризм таҳдидларига қарши курашишда хавфсизликни биринчи ўринга қўяди ва анъанавий ("Қаттиқ") ёндашув, яъни ҳарбийларга таянган ҳолда иш олиб боради (Кулсет Р., 2008:155).

Гарвард университетининг сиёсий фанлар доктори Жозеф Най фикрича, терроризмга қарши курашда фақат ҳарбий ўлчовга эътибор қаратиш постмодерн уруши даврида стратегик муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Можароларни тугатиш ва стратегик ютуқларни шакллантириш учун "Ақлли" ва "Ўмшқ" ёндашувлар ҳамда таъсирчан элементларининг барчасидан фойдаланиш керак бўлади (Гунаратна Р., 2015:24).

МУҲОКАМА

“Биз муҳокама қилмоқчи бўлган “Ақлли” ёндашув дастурининг мақсади, вазифаси, шакли, қамрови, иштирокчилари, жалб қилинган ресурслари ҳамда улар қўлланилаётган ижтимоий ва сиёсий шароитлар одатдагидан фарқ қилади. Буларнинг барчаси тинч йўллар билан экстремизмга мойиллиги бўлган шахслар ва гуруҳларни реабилитация қилишга қаратилади. Сингапур “Сиёсий зўравонлик ва терроризмни тадқиқ этиш халқаро маркази” таҳлилчилари Роҳан Гунаратнанинг фикрича, “Ақлли” деб номланган механизм, ҳарбий ёндашув ва стратегик жанглардан фарқли ўлароқ фикрлар курашини ўз ичига олади” (Энджелл Э., 2011: 177-258).

Радикал шахсларни реабилитация қилиш жараёни дунё мамлакатлари томонидан турли ёндашувлар асосида иш олиб борилгани кузатилади. Шундай бўлса-да, уларни умумий шаклда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

I. “Асосий реабилитация дастурлари”.

II. “Кенгайтирилган реабилитация дастурлари”.

Ҳозирги кунда Сингапур, Индонезия, Малайзия, Йордания, Яман каби мамлакатлар реабилитация тизимини “Асосий реабилитация дастурлари” асосида шакллантирган.

НАТИЖА

I. “Асосий реабилитация дастурлари” 3 та компонентдан иборат бўлиб, буларга диний, ижтимоий ва психологик реабилитацион ёндашувлар киради. Мазкур жараёнда мафкуравий ва қонли синовларни бошидан кечирган шахс учун мўлжалланган программа, ўқув, касбий кўникма ва амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади (UNAFEL, 2018: 26-38).

1. Диний реабилитация дастури. Бунда диний мавзулардаги мулоқот, баҳс-мунозара ва суҳбат назарда тутилади. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, аксарият террорчилар диний билимга мутлақо эга бўлмайди ёки билим даражаси жуда саёз бўлади. Шунинг учун террорчилар онгига сингиб қолган турли талқинлардаги назарий ва мафкуравий асосларини обрўсизлантириш учун диний реабилитация қилиниши зарурдир (Энджелл Э., 2011:258).

Радикал шахсларни диний реабилитация қилиш жараёни тизимли ишлар ҳамда профессионал исломшунос ва диншунос мутахассисларни талаб қилади. Улар томонидан олиб бориладиган ишларни қуйидагича тизимлаш мумкин:

а) радикалларнинг онгига сингдирилган бузғунчи мафкуранинг салбий экани ва бунинг натижасида ўзи, оиласи, жамият ва давлат зарар кўриши тушунтирилади;

в) обрўсизлантирилган салбий мафкура ўрни тўғриси билан тўлдирилади. Ушбу жараёнда мутаассиб шахсга экстремистлар томонидан тизимли манипуляция технологиялари асосида онги заҳарлангани ва унда диний факторлардан усталик билан фойдаланилгани кўрсатиб берилади;

с) исломнинг муқаддас тушунча ва шиорлари тўғри тушунтирилади ва сингдирилади. Ислом бунёдкорлик дини экани, ҳижрат, жиҳод, шаҳидлик, тақфир, халифалик, “ал-вало вал-баро” ва шу каби тушунчалар экстремистлар тарафидан ўзининг манфаатлари йўлида талқин қилингани имом-хатиб, теолог/диншунос олимлар томонидан тушунтирилади.

Кўшлаб радикал шахслар зўравонлик ҳаракатларини оқлаш мақсадида нотўғри талқиндаги диний тушунчаларга таяниб иш тутати. Мазкур жараёнда эътиқодга сингдирилган экстремистик қараш ва ғоя тўғриси билан алмаштирилади. Ушбу ҳолатда диний маслаҳатчиларнинг ўрни беқиёс бўлиб, улар радикал тарғиботчилар томонидан тарқатилаётган диний-мафкуравий қарашлар, аслида исломга зид экани далиллар билан асослаб беради;

д) кўп миллат ва дин вакиллари истиқомат қиладиган жамиятда яшашнинг тўғри экани оят ва ҳадислар билан тўлдирилади (Гунаратна Р., 2011:71). Мазкур жараёнда ақидавий, фикҳий ва бошқа диний мавзулардаги мулоқот, баҳс-мунозара, суҳбат ва маслаҳатлар олиб борилади.

Шунингдек, диний реабилитация жараёнида диний соҳа мутахассисига ҳам белгиланган талаблар мавжуд. Жумладан, диншунос бошқа соҳадаги ҳамкасблари ва маҳкумлар билан яхши муносабатда бўлиши, тегишли касбий тайёргарлик, тажриба ҳамда ваколатга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, дин пешволари маҳбуслар билан ишонч муносабатларини ривожлантиришда маълум даражада давлат ва қамоқхона маъмуриятидан мустақил эканликларини кўрсатишлари керак. Сабаби маҳкумларда қамоқхона ва давлат муассасаларига нисбатан салбий муносабат шаклланган бўлиши мумкин. Диний масалаларни чуқур муҳокама қилишга киришишдан аввал диний етакчи маҳкумлар билан шахсан танишиши ва улар билан мулоқот қилишда дастлаб оилавий, ижтимоий таъминот каби мавзулардан нарига ўтмаслиги керак (UNODC., 2017:68).

Шуни таъкидлаш керакки, диний реабилитация ҳаракатларининг интенсивлиги ва қўлами мамлакатлар ўртасида фарқ қилади. Масалан, Саудия ҳукуматининг реабилитация дастури доирасида маҳбуслар учун ҳар куни диний мулоқот ташкил этилса, малайзиялик имом-хатиблар ойига бир маротаба маҳбуслар билан суҳбатлар олиб боради.

Бундан ташқари дунёдаги баъзи реабилитация марказларида (Кения, Мали, Марокаш, Филиппин)

махбусларни қизиқтирган масалалар бўйича диншунос экспертлар турли минтакалардан чақиртирилади. Шунингдек, реабилитация доирасида маҳбусларга ўз оилалари билан ўтказадиган маросим ва тадбирларда қатнашишлари учун рухсат берилади. Бу ишларнинг барчаси маҳбусларнинг ишончини қозонган ҳолда уларни қайта тарбиялаш учун амалга оширилади. Ўзини руҳан соғлом ва бахтли ҳис қилган маҳбуслар, мутахассис ва мураббийларнинг маслаҳатини қабул қилиши осон бўлади (Хамед Э., 2012).

2. Ижтимоий реабилитация дастури. Радикал ғояларнинг қурбонига айланган шахслар жамиятга муаммосиз қайта интеграциялашувини таъминлашда ижтимоий реабилитация дастурларининг ўрни беқиёсдир. Мазкур жараён мутаассиб шахсга жамият даражасида мулоқотга киришишига, оила, келажак ва тинчлик ўрнатиш нуктаи назаридан фикрларини ривожлантиришга имкон беради.

Қайта ижтимоийлаштириш жараёнида бир қатор омиллар ҳисобга олинади:

а) Оилавий муносабатлар. Ҳибсга олинган ёки мутаассибликнинг таъсирига тушган шахсларнинг оиласини сақлаб қолиш ва уларнинг қўмағи ёрдамида таъсир кўрсатиш аҳамиятлидир. Ушбу жараёнда оилавий бирликни мустаҳкамлаш учун кўпроқ таърифларга рухсат берилади;

в) Ижтимоий алоқаларни тиклаш. Реабилитация дастурида иштирок этаётган шахс мутахассисларнинг қўмағи ва маслаҳати ёрдамида давлат, жамият ва дўстлар орасидаги муносабатлари тикланади;

с) Ижтимоий қўллаб-қувватлаш. Бунда шахсга тиббий (даволаниши учун), моддий (пул, маиший техника ва бошқалар) ва маънавий (таълим ва мутахассислар қўмағи) жиҳатдан ёрдам кўрсатилади;

Германия “Радикализмдан огоҳлантириш тармоғи”нинг маълумотларига кўра, реабилитация қилинаётган объектнинг дўстлик, оила, жамоа ва давлат билан муносабатлари тартибга солиниши, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой, иш ва соғлиги масалаларига эътибор қаратилиши ижтимоий интеграция жараёнларини тезлаштиради (RAN., 2019:104).

Бундан ташқари дастурни ўтаётган шахс ўзига, оиласига ва яқинларига кўрсатилаётган ёрдамлар туфайли давлатга ва реабилитолог мутахассисларга бўлган ишончи ортади, ижтимоий муҳитга мослашиш унинг келажаги экани борасидаги тасаввурни беради. Унинг оиласи эса, унга ёрдамчи ва маслакдош бўлиб хизмат қилади.

д) Илмий ва касбий кўникмаларини оширишга қўмаклашиш. Озодликка чиққандан кейин ишга жойлашиш ва бандлигини таъминлаш муаммолари ҳам ижтимоий реабилитация дастури таркиби ҳисобланади (UNAFEI., 2018:38).

АҚШнинг “Миллий хавфсизлик тадқиқотлари корпорацияси” томонидан тайёрланган “Экстремист шахсни дерадикализация қилиш” номли тадқиқот ишида, радикал шахс озодликка чиққандан кейин иш жойларига эга бўлиши, касбий кўникмасини ошириши, маълум бир соҳада таълим берилиши ва иш билан таъминлаши лозимлиги таъкидланган (Rabasa A., 2010:244).

Ижтимоий реабилитация диний реабилитация дастурлари ичидаги компонентлардан бири ҳисобланади. Радикаллашган шахснинг ҳолатига қараб, дерадикализация ҳамда реабилитация ҳаракатлари ижтимоий, психологик ва диний маслаҳатчиларни ўз ичига олади.

3. Психологик реабилитация дастури. Бунда реабилитация қилинаётган радикал шахслар билан психологлар мунтазам равишда учрашиб, уларга психологик маслаҳат беради ва руҳий ҳолатини ўрганади. Уларнинг стрессни енгиш қобилияти, нафрат ва зўравонликка мойиллиги, радикал ғоялар таъсирга берилувчанлик даражаси (махсус тест ва дастурлар ёрдамида) аниқланади. Шунингдек, психологлар маҳбусларнинг реабилитация қилинишининг муваффақият даражаси ва когнитив (шахснинг ташқи маълумотни ақлий идрок этиш ва қайта ишлаш қобилияти) жиҳатларини ҳам ўрганадилар (Rabasa A., 2010:244).

Бундан ташқари маҳбуслар реабилитация дастурларида тўлиқ иштирок этишига ҳалақит берадиган жисмоний ва психологик муаммолар олдиндан аниқлаб олинади ҳамда уларнинг ҳолатига қараб таснифланади. Бунда психологик тест, даволаш муолажалари ҳамда малакали психологлар иштирок этадиган дерадикализация дастури муҳим аҳамият касб этади.

Маҳбуслардаги руҳий саломатлик нуктаи назаридан зўравон экстремистик хатти-ҳаракатларга олиб келган сабаблар ўрганилади. Шу йўл орқали реабилитацион вазифалар шакллантирилади ва амалга оширишга ёрдам берадиган когнитив дастурлар ишлаб чиқилади (Глобальный контртеррористический форум., 2012). Баъзи экстремистлар психопатологик муаммоларнинг ташқи белгиларини билдирмаслиги мумкин. Аммо тадқиқотлар шундан дарак берадики, кўпчилик дастур иштирокчилари ҳиссий жиҳатдан заиф ва шахсият муаммоларига эга. Психологлар шунга мувофиқ зарур тадбирларни амалга ошириш учун режалар ишлаб чиқишлари керак бўлади (UNODC., 2017:168).

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан олиб борилган “Экстремистик маҳкумларни бошқариш ва қамоқхоналарда радикаллашув хавфини олдини олиш бўйича қўлланма” номли тадқиқот ишида психологик реабилитация ўтаётган радикал шахсларда терапия курсларини амалга

ошириш кутилган натижага олиб бориш имконини ошириши таъкидланади.

Психологик терапия амалиётлари жараёнида маҳбус:

- * хулқ-атвори ўзгартириш;
- * психофизиологик мослашув кўникмаларини шакллантириш;
- * қарор қабул қилиш;
- * ижтимоий муносабатларни яхшилаш;
- * ўз-ўзини ҳурмат қилиш;
- * ақлий салоҳиятни ошириш ва ривожланишга рағбат;
- * ўз-ўзини билиш ва тушуниш;
- * тузатилган турмуш тарзи учун идрок ва менталитетни ўзгартириш;
- * ҳиссий бошқарув ва чалкаш тушунчаларни енгиш;
- * танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини шакллантириш каби муносабат турларини ўрганади (UNODC., 2017:168).

Психологлар зўравон экстремистик маҳбуслар билан ишлаш бошқа жинойтчилардан фарқ қилишини билишлари керак. Мутахассислар реабилитация дастурида иштирок этишдан олдин, ушбу соҳада махсус тайёргарлик ва тажрибага эга бўлишлари талаб этилади. Улар ҳеч бўлмаганда радикаллашув, экстремизм, терроризм ҳамда қамоқхона шароитида реабилитация дастурларининг асосий элементлари нималардан ташкил топиши ҳақида билишлари лозим.

Реабилитация дастури объектларига яхши муомала қилиш ва уларни инсон сифатида кўрилиши ижобий муносабатлар шаклланишидаги биринчи қадам бўлиб хизмат қилади. Психологик даволаш методлари давомийлик принциpidан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши талаб этилади.

Дастурда иштирок этаётган ходимлар ва маҳбуслар орасида интизомий чораларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Мазкур жараёнларни амалга оширишда психологик тренинглар олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ижтимоийлашув дастурлари иложи бўлса, бир нечта ўлчамларда олиб борилиши керак. Сабаби ҳар бир инсоннинг психик ҳолати бир-биридан фарқлангани каби реабилитация дастурларига мослашиш иштирокчиларда турлича бўлиши мумкин. Узоқ муддатга ҳукм қилинган шахсларга реабилитация амалиёти жазо муддатининг сўнги босқичида олиб борилиши дастурнинг натижадорлик коэффициентини пасайишига олиб келади (Недаyah., 2013).

Психологик реабилитация жараёнида маҳбуснинг руҳий ҳолати, ҳиссий кечинмалари, нафрат, зўравонликка ва қайта радикаллашувга бўлган мойиллик даражаси доимий баҳолаб борилади. Шу билан бирга хулқ-атворидаги ўзгаришлар кузатиб борилади ва воқеаларни

ҳиссий эмас, балки реал муносабатда бўлиш лозимлиги шакллантирилади.

II. “Кенгайтирилган реабилитация дастури” ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсати ва реабилитация соҳасидаги тажрибасидан келиб чиқади. У “Асосий реабилитация дастурлари”га қўшимча равишда киритилган кўникма ва методлар мажмуини қамраб олади. Дунёдаги илғор мамлакатлар тажрибасига назар ташланса, мазкур жараён диний, ижтимоий, психологик реабилитацион дастурларга қўшимча шаклда оилавий, таълим-тарбия ва касбий, қўллаб-қувватлаш, ижодий арт-терапия ва спорт, “Онлайн жалб қилиш” каби дастурларни ўз ичига олади (Моҳамед С., 2018:27).

1. Оилавий реабилитация дастури ижтимоий реабилитация дастурлари таркибига кирса-да, аммо айрим мамлакатлар алоҳида йўналиш сифатида ўрганади. Жаҳон тажрибасига кўра, дунёдаги баъзи мамлакатлар (Малайзия, Индонезия, Саудия Арабистони, Шри-Ланка ва бошқа) оилавий реабилитация дастурлари доирасида махсус тадқиқотлар олиб борган. Сабаби радикал тоифадаги шахсларга оиласи орқали таъсир кўрсатиш реабилитация самарадорлигини оширади. Бўлиниб кетган оилавий ришталарни тиклаш реабилитация жараёнининг муҳим қисми бўлиб, шахс радикаллашув жараёнидан чиқишида оилавий муносабатларни ривожлантириш яхши самара беради (Ҳеттиараччи М., 2014:52).

Дастур доирасида маҳбуснинг отаси, онаси, фарзанди ёки аёли унинг бузгунчи йўлдан қайтиб, тавба қилиши ва яна оиласи даврасига қайтиши кераклигини тушунтиради. Шунингдек, маҳбусларнинг реабилитация жараёнида иштирок этиш истагини билдирган оила-аъзоларига фарзандлари билан қандай услубда гаплашиш ва мулоқот жараёнида ўзини қандай тутиш кераклиги мутахассислар томонидан айтилади.

Ҳозирги кунда реабилитация марказлари оилавий муҳит ва яқин қариндошлар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратади. Қариндошларнинг ташрифларига ёки қайта тарбияланаётган шахснинг ўзи зиёратга боришига рухсат берилади. Шунингдек, оилавий кўнгироқ, хат ёзиш, байрам, касаллик ёки ўлим ҳолатларида уйларида бориш имконияти яратилади.

Реабилитация дастурларида оилани жалб қилишдан асосий кўзланган мақсад, давлат адашган фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишини тушунтириш ва онгига муҳрланиб қолган “Қимдир таслим бўлса ёки ҳибсга олинса, давлат уни қийноққа солади ва қамоқдан чиқармайди” деган ғояни чиқариб ташлашдир. Шу орқали мутаассибликни тарқ этмоқчи бўлганларга йўл кўрсатилади (Энджелл Э., 2011:177).

Шунингдек, ижтимоийлашув жараёнларига оила аъзоларини жалб қилиш орқали шахснинг террорчи

гуруҳларга қўшилиб қолиш сабаби ўрганилади. Оиланинг ўзида радикаллашув ҳолатлари бўлса, мутахассислар жалб қилинган ҳолда иш олиб борилади. Шу йўл орқали маҳбус озодликка чиққандан сўнг, оиласи сабабли аввалги ҳолатига қайтишининг олди олинади (Джон Х., 2010:267).

Оилавий реабилитация жараёнида мутахассислар илжи борица махдумнинг оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қилади ҳамда ҳамкорлар, хайрия ташкилотлари ва давлат иштирокида улар учун муносиб турмуш даражаси таъминлашга эътибор қаратилади.

Жаҳон тажрибасига кўра, реабилитация марказлари мўътадиллик йўлига ўтган тоифалар учун муносиб турмуш даражаси таъминлашда БМТнинг “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”га мурожаат қилади. Ушбу пактнинг 11-моддасида “Ҳар ким ўзи ва оиласи учун етарли турмуш даражасига, шу жумладан озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ҳамда яшаш шароитларини доимий равишда яхшилаш ҳуқуқига эга” эканлиги баён этилган (Resolution 2200 A (XXI) of the UN General Assembly., 1966).

БМТнинг “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитаси” маълум қилишича, “тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи бепул уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини қафолатламайди, балки мажбуран кўчиришни тақиқлашни назарда тутати. Шу билан бирга, уй-жой ҳуқуқи бир жойда хавфсиз, тинч ва кадр-кимматда яшаш ҳуқуқи сифатида қаралади” (CESCR., 1992:23).

Мазкур қонундан келиб чиққан ҳолда маъбусларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва муносиб таълим кўникмаларини шакллантириш орқали оилавий эҳтиёжларни қондириш йўллари ўргатиб борилади.

2. Таълим-тарбия ва касбий реабилитация дастури. Собиқ зўравон экстремистик маҳкум жамиятга муваффақиятли қайта интеграциялашувини таъминлашда иш топиши ва оиласини боқиш имкониятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари доимий иш жойи бўлиши, собиқ маҳкумлар экстремистик гуруҳга қайта қўшилиш заруратини камайтириши мумкин. Мазкур ҳолатда улар реабилитацион таълим-тарбия ва касбий дастурлар орқали жамиятга тайёрлаб борилади.

Деярли барча маҳбусларга келажакда ишга жойлашишлари учун касбий таълим берилади. Малайзия (дурадгорлик, новвойчилик, бўёқчилик), Сингапур (хунармандчилик, курувчилик), Саудия Арабистон (рассомлик, тикувчилик, пазандалик), Индонезия (деҳқончилик, тикувчилик, IT-саводхонлик) каби мамлакатлар реабилитация дастурлари мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда касбий тайёргарлик амалиётлари олиб борилади (UNODC., 2021:140).

Айрим ҳолларда маҳбусларга қайси касб ва таълим турини танлашга имкон берилиши яхши самара беради.

Шунингдек, касбий тайёргарлик жараёнида хавфсизлик масаласига жиддий эътибор бериш талаб этилади. Хавфни минималлаштириш учун маҳбусларга зарарли бўлган кўникмалар ва материаллар тавсия этилмайди (Gunaratna R., 2012:350-365).

Жаҳон тажрибасига кўра, маҳбуслар озод этилишидан олдин умумий таълим (хаётдаги қийинчиликларни қандай енгиш, муаммоларни ҳал қилиш, қарорлар қабул қилиш, бошқалар билан бирга яшаш ва ҳ.к.), касбий таълим (хунармандчилик, таълим, санъат ва бошқа соҳалар) ўқув курслар орқали ўқитилади. Бу даврда уларнинг оила азолари, қариндошлари ва дўстлари билан алоқалари кенгайтирилади. Маҳбуснинг оиласига мунтазам равишда бориб туриши ташкиллаштирилади. Бундай усуллар маҳбусни аста-секин ўз жамияти ва оиласига қайтишга ҳамда мослашишига имкон яратади.

3. Қўллаб-қувватлаш дастури. Кўпгина диний реабилитация дастурлари иштирокчилари озод этилгандан кейин ижтимоий масалаларда қўшимча қўмакка эҳтиёж сезади. Сабаби уларнинг кўпчилиги ўқимаган, ишламаган, нафақага чиққан ёки ҳали ўзининг ишини топиб улгурмаган бўлади. Мазкур дастур доирасида радикал тоифалар ижтимоий, иқтисодий, оилавий, касбий, тиббий жиҳатлардан мўтадил ҳолатга ўтгунга қадар қўллаб-қувватланади.

Маҳбусларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бир-биридан кескин фарқланиши мумкин. Масалан, баъзилари молиявий жиҳатдан яхши таъминланган бўлса, аксарияти камбағал оилада вояга етган бўлади. Маҳбусларнинг катта қисми ўзининг оиласида асосий боқувчи ҳисобланади. Шунинг билан бирга, оилаларнинг ҳолати инобатга олган ҳолда фарзандларининг таълим-тарбияси, соғлиғи, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи таъминланади. Оталарининг ҳатти-ҳаракати натижасида оила зарар кўрмаслиги керак. Реабилитацион дастур доирасида уларнинг оила аъзоларидан хабардор бўлиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаб туриш жуда зарур. Агар бу иш дастур масъуллари томонидан амалга оширилмаса, унда мазкур вазифа маҳбусларнинг террорчи шериклари томонидан қилиниши мумкин (Gunaratna R., 2015:248).

Маҳбуслар ва уларнинг оила аъзоларининг иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларини эътиборсиз қолдириш, уларни ижтимоийлашув жараёнидан бегоналаштириши ҳамда давлатга қарши чиқиш ҳолатларини юзага келтиради. Бундай жараёнлар айрим давлатларнинг реабилитация марказларида қуйидаги тартибда амалга оширилади. Масалан, Саудия Арабистони маҳкум йигитларга хотин топишда ёрдам беради. Тўй, сеп, ҳатто, квартира ва машина учун пул тўлайди. Мамлакатдаги жиҳодчилар камбағал ва ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлардан бўлганлиги сабабли, бундай усуллар уларнинг умидсизлик

туйғусини камайтиради, жамият ҳаётига мослашиш имконияти тезлашади (Карпачёва О., 2018:18).

Сингапур, Туркия каби давлатлар маҳбуслар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари жамоат ҳамда хайрия ташкилотларини ижтимоийлашув жараёнларига жалб қилган ҳолда амалга оширади.

4. Ижодий арт-терапия ва спорт дастури. Мазкур жараён хорижий адабиётларда “турли хил элементлар дастури” деб ҳам номланади. Дастур фойдали бўлиши ҳамда маҳбусларнинг бирдамлигини таъминлаш мақсадида адабиёт, санъат, спорт ва дам олиш машғулоти киритилган. Маҳбуслар ўзларини қизиқтирган китобларни мутолаа қилишлари, ёқтирган санъат турлари билан шуғулланишлари ҳамда футбол, волейбол ва бошқа спорт машғулоти билан банд бўлишлари мумкин бўлади (Энджелл Э., 2011:177).

Экстремистик реабилитация қилишнинг энг янги қўшимча элементи арт-терапия ва спорт ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар куни жисмоний фаоллик билан шуғулланадиган маҳбуслар теран фикрлайди, стресс ва депрессияга чидамлик даражаси ортади ҳамда соғлиқдан азият чекмайди. Реабилитация режимида арт-терапия ва спорт элементини қўшиш, маҳбусларга руҳан тинчлантиришга ва ортиқча энергиядан халос бўлишга ёрдам беради (Gunaratna R., 2012:403).

Шунингдек, дастур доирасида тасвирий санъат билан шуғулланиш ва ижод қилиш имконияти яратилади. Шу орқали ҳаёт, эркинлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик истакларини билдирдилар. Шунингдек, санъат турлари орасида мусиқа тинглаш, шеър ва ҳикоялар ёзиш кабилар реабилитацияни енгиллаштиради, келажак учун режалар тузишга чакиради.

Шри-Ланка реабилитация дастурида ноисломий диний эътиқод вакиллари учун йога ва медитация амалиётлари мавжуд. Шу орқали маҳбуслар онгни тинчлантириш, ўз-ўзини англаш, ички ва ташқи дунё ўртасида соғлом мувозанатни тушуниш ўргатилади. Радикал қарашдаги озчилик эътиқод вакилларига ўзларининг ибодатларини эркин бажаришига ва куй-қўшиқлар айтишига имкон яратиб берилган (Hettiarachchi M., 2014:52).

5. “Онлайн жалб қилиш” дастури. Пандемия давридан бошлаб реабилитация жараёнларига қўшимча шаклда “Онлайн жалб қилиш” чора-тадбирлари киритилди. Сабаби карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар билан ишлашда янгича ёндашувларга асосланган ҳолда ишлар олиб борилди.

Ҳозирда реабилитация жараёнида онлайн (Интернет) мулоқот олиб боришнинг турли йўллари ишлаб чиқилган. Улар орасида энг оммалашиб бораётгани махсус мобил иловалар тизими ҳисобланади. Унга уланган ижтимоий ҳимояга

муҳтож тоифа вакиллари мутахассислар билан онлайн мулоқот қилиш имконига эга бўлади. Масалан, Қозоғистоннинг “Динлараро муносабатларни таҳлил қилиш ва ривожлантириш маркази” собиқ экстремист аёлларни реабилитация қилиш билан шуғулланади. Мазкур ташкилот пандемия туфайли 2020 йилда реабилитация дастуридан ўтган репатриант аёллар учун мўлжалланган “Жусан Zoom” онлайн лойиҳасини ишга туширди. Лойиҳа доирасида турли соҳа мутахассислари жалб қилинган ҳолда саволларга-жавоблар, психологик тест ва баҳолаш жараёнлари олиб борилди. Натижада, 40 нафар аёл реабилитация дастурини муваффақиятли тамомлади.

Бугунги кунда дунёга машҳур бўлган реабилитация марказларининг онлайн жалб қилиш дастури ва Интернет порталлари кенг оммалашаётгани кузатилмоқда. Жумладан, “RRG orfeostory” – Сингапур, “Диний реабилитация гуруҳи”нинг онлайн платформаси, АҚШ Миллий контртерроризм марказининг “aCTknowledge” мобил аппликацияси, “Sakinah (سكينة)” – Саудия Арабистони реабилитация платформаси шулар жумласидан саналади.

Электрон маслаҳат дастурлари интернет сайтлари орқали олиб борилади, улар ғайритабиий мафкура ва нотўғри тушунчаларни тўғрилаш учун Интернетдан фойдаланган ҳолда маслаҳат беради ва керакли бўлган мутахассисларга мурожаат қилиш имконини беради.

ХУЛОСА

Радикаллашувни олдини олишга қаратилган ҳамда экстремистик ғоялар таъсирига тушганларни реабилитация қилиш дастурларининг оддий ва универсал шакли мавжуд эмас. Чунки турли хил ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва маданий дастурий тизимлар бир жойда яхши самара берса, бошқа минтакаларда бу услубларнинг таъсири бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун дастур механизмларини ўзгартириш ва ҳудудга мослаштириш зарур. Тўғридан-тўғри трансформация қилиш керак эмас. Реабилитацион дастурларни амалиётга татбиқ этишда миллий маданият меъёрлари ва қадриятларнинг иноватга олиниши самарали таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, ҳеч ким реабилитацияни осон жараён эканлигини даъво қилмайди. Бу узлуксиз ва давомли механизмлар бирлашмасидан ташкил топади. Муваффақиятли реабилитация дастури учун унга керакли бўлган шарт-шароитлар талаб қилинади. Шунингдек, мазкур дастур диний, психологик, ижтимоий ва оилавий реабилитация амалиётини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга, маҳаллий ва миллий шароитлар ҳам ҳисобга олинади. Озодликка чиқарилганидан сўнг эса,

уларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ишга тушади. Бундай дастур механизмлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бирининг йўқлиги бошқаларнинг ҳаракатларини бузилишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кулсет Р., Струе С. (2008). Эпilog: дух времени и дерадикализация: Джихадистский терроризм и проблема радикализации в Европе. - Бурлингтон.
2. Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali (2015). Terrorist rehabilitation: a new frontier in counter-terrorism. - London: Imperial College Press.
3. Энджелл Э., и Гунаратна Р. (2011) Реабилитация террориста: опыт США в Ираке. Бока Ратон: ЦРЦ Пресс.
4. United Nations Asia and Far East Institute (2018). Rehabilitation and social reintegration of organized crime members and terrorists. - Tokyo, Japan: Mokuseinomori.
5. Rohan Gunaratna (2011). "Terrorist Rehabilitation: A Global Imperative." Journal of Policing, Intelligence and Counter-Terrorism 6, no. 1.
6. United Nations Office on Drugs and Crime (2017). Handbook on the Management of Violent Extremist Prisoners and the Prevention of Radicalization to Violence in Prisons. - Vienna, Austria: Vienna International Centre.
7. Эль-Саид, Хамед, и Харриган, Джейн (2012). Дерадикализация насильственных экстремистов: программа контр-радикализации и дерадикализации и их влияние в странах с мусульманским большинством. Лондон: Рутледж.
8. Radicalisation Awareness Network (2019). Rehabilitation Manual. Rehabilitation of radicalised and terrorist offenders for first-line practitioners. - German: RAN.
9. National Security Research Division (2010). Deradicalizing Islamist Extremists. - Santa Monica: RAND Corporation.
10. Глобальный контртеррористический форум (2012) Римский меморандум о надлежащей практике реабилитации и реинтеграции лиц, совершивших насильственные преступления экстремистского характера.
11. Said H. (2013). Additional Guidance on the Role of Psychologists/Psychology in Rehabilitation and Reintegration Programs. <https://toolkit.thegctf.org>
12. Hussin, Sabariah Mohamed (2018). Strategic counterterrorism, terrorist rehabilitation and community engagement: the Singapore experience. - Brasil: Annual report and resource material series; №.104.
13. M.Hettiarachchi (2014). Sri Lanka's Rehabilitation Program: The Humanitarian Mission Two. - Sri Lanka: Media Tec Advertising.
14. Хорган Джон и Брэдок Курт (2010). Реабилитация террористов? Проблемы оценки эффективности программ дерадикализации: Терроризм и политическое насилие.
15. БМТ бош ассамблеяси (1966). 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган. 1976 йил 3 январдан кучга кирган.
16. "Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar qo'mitasi" (1991). № 4: Tegishli uy-joyga bo'lgan huquq (Paktning 11-moddasi).

17. United Nations Office on Drugs and Crime (2021). Complex Terrorist Cases for South and South-East Asia: Investigation, prosecution, adjudication, rehabilitation and reintegration. - Vienna: UNODC.

18. Gunaratna R. and Angell A. (2012) Terrorist rehabilitation: The U.S. Experience in Iraq. - London, New York: "CRC Press".

19. Карпачёва О. (2018). Опыт дерадикализации исламского движения в Египте и России // Журнал исторических исследований. Россия, Северный Кавказ: «Научно-издательский центр ИНФРА-М».

20. Vaysov F. (2018). The problem of radicalization and terrorist recruitment in prisons. - Russia: Tomsk State University.

21. Terrence M. (2014). How the Islamic State evolved in an American prison // The Washington Post. USA, Retrieved.

22. Dahlburg J. (1994). "Arab veterans of Afghanistan war lead new islamic holy war". - New York: Compass media.

23. Andreas C. (2015). Deradicalization Programs in Saudi Arabia: A Case Study. - Washington D.C.: Middle East Institute.

24. Brzuskiewicz S. (2017). Saudi Arabia: the de-radicalization program seen from within. www.ispionline.it

25. About Religious Rehabilitation Group. (2016). <https://www.rrg.sg/about-rrg/>

26. Raafia K. (2019). Radicalisation Blog Series: Sabaoon - De-radicalisation through a Compassionate Approach. www.news.uwa.edu.au

27. Aslam M. (2020). Deradicalization Programs for SOSMA, POTA, and POCA Detainees in Malaysia. Middle East Institute. www.mei.edu

28. Walkenhorst D. and others. (2019). Rehabilitation Manual. Rehabilitation of radicalised and terrorist offenders for first-line practitioners. - German: Radicalisation Awareness Network.

29. Rabasa A. and others. (2010). Deradicalizing Islamist Extremists. - Santa Monica: National Security Research Division.

30. Thomas E. F. (2006). Craiglockhart War Hospital and shell-shock treatment in the First World War // London, UK.

31. Derrick W. (2022). Evolution of rehabilitation. www.rehabilitationmatters.com

REFERENCES

1. Kulset R., Struye S. (2008). Epilog: dux vremeni i deradikalizatsiya: Djixaddistskiy terrorizm i problema radikalizatsii v Yevrope. - Burlington.
2. Rohan Gunaratna, Mohamed Bin Ali (2015). Terrorist rehabilitation: a new frontiyer in sounter-terrorism. - London: Imperial Sollege Press.
3. Endjell E., i Gunaratna R. (2011) Reabilitatsiya terrorista: opit SSHA v Irake. Boka Raton: SRTS Press.
4. United Nations Asia and Far East Institute (2018). Rehabilitation and sosial reintegration of organized srime members and terrorists. - Tokyo, Japan: Mokuseinomori.
5. Rohan Gunaratna (2011). "Terrorist Rehabilitation: A Global Imperative." Journal of Polising, Intelligense and Sounter-Terrorism 6, no. 1.

6. United Nations Office on Drugs and Crime (2017). Handbook on the Management of Violent Extremist Prisoners and the Prevention of Radicalization to Violence in Prisons. - Vienna, Austria: Vienna International Centre.
7. El-Said, Xamed, i Xarrigan, Djeyn (2012). Deradikalizatsiya nasilstvennix ekstremistov: programma kontr-radikalizatsii i deradikalizatsii i ix vliyaniye v stranax s musulmanskim bolshinstvom. London: Rutledge.
8. Radicalisation Awareness Network (2019). Rehabilitation Manual. Rehabilitation of radicalised and terrorist offenders for first-line practitioners. – German: RAN.
9. National Security Research Division (2010). Deradicalizing Islamist Extremists. – Santa Monica: RAND Corporation.
10. Globalniy kontrterroristicheskiy forum (2012) Rimskiy memorandum o nadlezhashey praktike reabilitatsii i reintegratsii lis, sovershivshix nasilstvennie prestupleniya ekstremistskogo xaraktera.
11. Said H. (2013). Additional Guidance on the Role of Psychologists/Psychology in Rehabilitation and Reintegration Programs. <https://toolkit.thegctf.org>
12. Hussin, Sabariah Mohamed (2018). Strategies counterterrorism, terrorist rehabilitation and community engagement: the Singapore experience. – Brazil: Annual report and resource material series; №104.
13. M.Hettiarachchi (2014). Sri Lanka's Rehabilitation Program: The Humanitarian Mission Two. - Sri Lanka: Media Tes Advertising.
14. Xorgan Djon i Breddok Kurt (2010). Reabilitatsiya terroristov? Problemi otsenki effektivnosti programm deradikalizatsii: Terrorizm i politicheskoye nasiliye.
15. BMT bosh assambleyasi (1966). 2200 A (XXI) rezolyutsiyasi bilan qabul qilingan. 1976 yil 3 yanvardan kuchga kirgan.
16. "Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar qo'mitasi" (1991). № 4: Tegishli uy-joyga bo'lgan huquq (Paktning 11-moddasi).
17. United Nations Office on Drugs and Crime (2021). Complex Terrorist Cases for South and South-East Asia: Investigation, prosecution, adjudication, rehabilitation and reintegration. – Vienna: UNODS.
18. Gunaratna R. and Angell A. (2012) Terrorist rehabilitation: The U.S. Experience in Iraq. – London, New York: "SRS Press".
19. Karpachyova O. (2018). Opit deradikalizatsii islamskogo dvijeniya v Yegipte i Rossii // Jurnal istoricheskix issledovaniy. Rossiya, Severniy Kavkaz: «Nauchno-izdatelskiy sentr INFRA-M».
20. Vaysov F. (2018). The problem of radicalization and terrorist recruitment in prisons. – Russia: Tomsk State University.
21. Terrence M. (2014). How the Islamic State evolved in an American prison // The Washington Post. USA, Retrieved.
22. Dahlburg J. (1994). "Arab veterans of Afghanistan war lead new islamist holy war". – New York: Sompas media.
23. Andreas S. (2015). Deradicalization Programs in Saudi Arabia: A Case Study. – Washington D.S.: Middle East Institute.
24. Brzuskiyewisz S. (2017). Saudi Arabia: the deradicalization program seen from within. www.ispionline.it
25. About Religious Rehabilitation Group. (2016). <https://www.rrg.sg/about-rrg/>
26. Raafia K. (2019). Radicalisation Blog Series: Sabaoon - De-radicalisation through a Sompasionate Approach. www.news.uwa.edu.au
27. Aslam M. (2020). Deradicalization Programs for SOSMA, POTA, and POSA Detainees in Malaysia. Middle East Institute. www.mei.edu
28. Walkenhorst D. and others. (2019). Rehabilitation Manual. Rehabilitation of radicalised and terrorist offenders for first line practitioners. – German: Radicalisation Awareness Network.
29. Rabasa A. and others. (2010). Deradicalizing Islamist Extremists. – Santa Monica: National Security Research Division.
30. Thomas E. F. (2006). Craiglockhart War Hospital and shell-shock treatment in the First World War // London, UK.
31. Derrick W. (2022). Evolution of rehabilitation. www.rehabilitationmatters.com